

Аҳли камолни танишнинг ҳақимона меъёри



09:00 / 17.07.2019 2659

Ҳақимул умма Ашраф Али Таҳонавий раҳимахуллоҳ шундай дедилар: «Бирор олимнинг илмдаги мақом ва даражасини билиш керак бўлса, буни талабалардан сўралади. Сўфий ва пирнинг даражасини билиш учун эса ўз замонасида тариқат аҳли бўлган машойихларнинг у билан қиладиган муомалаларига қараш керак. Улар уни ҳоли содиқ (рост) пир деб биладиларми ёки ундай эмасми? Шў ўринда бир шоҳий сартарошнинг қиссаси ёдимга келди. Бир маротаба ўз соқолини текислатгани шоҳ уни чақирди. Лекин у айтилган вақтга кела олмади. Бу айбни қандай тўғрилаш учун кўп паришон бўлди ва шоҳнинг ходимларга: «Шоҳ ухлаб қолганида соқолини текислашга менга имкон қилиб беринглар», деб илтимос қилди. Ходимлар унга раҳмлари келиб, имкон қилиб бердилар. У ухлаб ётган шоҳнинг соқолини шундай текислаб қўйдик, у билмай ҳам қолди. У уйғониб соқолини текисланганини кўриб, саройдагилардан сўраган эди, улар бўлган воқеани айтиб бердилар. Шоҳ унинг камолидан жуда хурсанд бўлиб, сартарошга «Шоҳий уста» деган ном берди. Бу гап шаҳарда тарқалгач, қариндош-уруғ, қўни-қўшнилари унинг хотинини муборакбод этишга тўпландилар. Бўлган гапни эшитган аёли жуда ҳам ҳақимона гап айтди: «Бу хитоб эримга ёнидаги сартарошлардан ёки бошқа бирор мохир сартарош томонидан айтилганида хурсанд бўлар эдим. Чунки бу эримнинг камолига далил бўлар эди. Шоҳ бу ҳунарни билмайди-ку. Бу унвон унга берилиши билан менинг наздимда унинг иззати ошмайди».

Интернет материаллари асосида тайёрланди.